

“ Т А С Д И Қ Л А Й М А Н ”
“Ўзбекиқовқатзахира”

Уюшмаси раиси

_____ **З.Файзиев**



2018 йил " 5 " январ

Аҳолини асосий озиқ-овқат товарлари билан таъминлаш бошқармаси
НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 октябрдаги “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва “Ўзбекиқовқатзахира” уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чоралар тўғрисида”ги ПҚ-3344–сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, “Ўзбекиқовқатзахира” уюшмаси (кейинги ўринларда Уюшма) Аҳолини асосий озиқ-овқат товарлари билан таъминлаш бошқармаси (кейинги ўринларда бошқарма) асосий вазифаларини белгилаб беради.

1.2. Аҳолини асосий озиқ-овқат товарлари билан таъминлаш бошқармаси “Ўзбекиқовқатзахира” уюшмасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

1.3. Бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Уюшманинг Низоми, буйруқлари, қарорлари, ҳамда ушбу Низом асосида амалга оширади.

II. Бошқарманинг асосий вазифалари

2.1. . Озиқ-овқат маҳсулотларининг ижтимоий муҳим турлари билан республиканинг барча ҳудудларида аҳолини, айниқса, олис ва бориш қийин ҳудудларда узлуксиз таъминланиши бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

2.2. Уюшмага аъзо бўлган савдо-тайёрлов корхоналарининг ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларини харид қилиш, сақлаш, сотиш фаолиятига доир ишларини мувофиқлаштириш;

2.3. Республика ички бозорида озиқ-овқат товарлари савдосининг маркетинг таҳлилларини олиб бориш;

2.4. Ички истеъмол бозорида маркетинг таҳлиллари асосида ва аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда зарур турдаги озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш учун буюртмаларни жойлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

2.5. Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчилари билан улгуржи савдо ўртасида ўрта ва узоқ муддатли шартномавий алоқаларни ўрнатишнинг асосий йўналишларини белгилаш ва бу борада ишлаб чиқариш тармоқлари билан зарур тадбирларни амалга ошириш;

2.6 Маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар томонидан аҳоли эқтиёжи тўлиқ кондирилмаётган озиқ-овқат маҳсулотлари турларини четдан келтириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш;

2.7. Уюшмага аъзо бўлган савдо-тайёрлов корхоналарига:

- озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчилари билан савдо-тайёрлов корхоналари ўртасида ўрта ва узоқ муддатли шартномавий савдо алоқаларини ўрнатишда;

- чакана савдо корхоналарини, айниқса қишлоқ, бориш қийин ва тоғли ҳудудларда жойлашган корхоналарни озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашни ташкил этишда;

- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва савдога етказиб бериш бўйича асосли буюртмаларни ишлаб чиқишда;

- суст сотиладиган ҳамда сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари заҳирада йиғилиб қолиши ҳолатларини олдини олиш бўйича;

- товарларни сақлаш жараёнида омборлар, совутиладиган камералардан самарали фойдаланишда;

- озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва чакана савдога етказиб бериш жараёнларини тўғри ташкил қилишда тавсиялар бериш, методик амалий ёрдам кўрсатиш;

2.8. Уюшма тизимида чакана савдо корхоналари учун қулай шароитлар яратиш бўйича тавсиялар бериш;

2.9. Савдо-тайёрлов корхоналар томонидан ташкил этиладиган савдо ярмаркаларида, «Хизмат-беминнат» савдо тармоқларида кенг ассортиментдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бўлишини таъминлаш;

2.10. Савдо-тайёрлов корхоналарининг тижорат фаолиятига доир талаб этиладиган зарур тезкор маълумотлар асосида таҳлиллар тайёрлаш, Уюшма раҳбариятига ва юқори ташкилотларга тақдим этиб бориш;

2.11. Улгуржи савдо фаолиятига доир ҳамда бошқа тааллуқли меъёрий ҳужжатлар, кўрсатмалар, тавсияномаларни Уюшмага аъзо бўлган савдо-тайёрлов корхоналарга ўз вақтида етказиб бориш;

2.12. Қонунлар, Ҳукумат қарорлари лойиҳалари, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига оид меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш, улар бўйича хулосалар ва таклифлар тайёрлаш;

2.13. Бошқарма фаолиятига оид тегишли ахборотларни тайёрлаш ва Уюшма раҳбариятига тақдим этиб бориш;

2.14. Бошқарма ваколати доирасида тушунтиришлар, тавсиялар бериш;

2.15. Бошқарма ваколатига доир масалалар бўйича фуқароларнинг аризаларини кўриб чиқиш, улар бўйича хулоса ва қарорлар тайёрлаш;

2.16. " Ўзбекизоқовқатзаҳира " уюшмаси Бошқарувининг иш режасига мувофиқ Бошқарув мажлисида кўрилаётган Бошқармага тааллуқли масалалар бўйича материаллар тайёрлашдан иборат.

III. Бошқарма ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

Бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1. Уюшма номидан Бошқарма ваколат доирасидаги масалалар бўйича вакиллик қилиш;

3.2. Бошқарма ваколатига доир масалалар бўйича белгиланган тартибда йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш;

3.3. Уюшмага аъзо бўлган корхоналардан Бошқарма ваколати доирасида турли маълумотлар, ахборотлар олиш.

3.4. Бошқарма фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлис; Палаталарининг қарорлари ва топшириқлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, мажлис баёнлари, кўрсатмалари, “Ўзбеккозиковқатзахира” уюшмаси Бошқарувининг буйруқлари, қарорлари ва раҳбарият топшириқларини ўз вақтида ижро этилиши учун жавоб беради.

IV. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш

4.1 Бошқарма ўз ишини тасдиқланган режа асосида амалга оширади.

4.2. Бошқарма ишига бошлиқ раҳбарлик қилади. Бошқарма бошлиғи Уюшма бошқаруви Раисига бўйсунди, унинг буйруғи билан ишга тайинланади ва ишдан озод этилади.

4.3. Бошқарма ходимлари Бошқарма бошлиғига бўйсунди, унинг тавсиясига биноан уюшма раиси томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

4.4 Бошқарма бошлиғи Бошқарма ишини ташкиллаштиради, фаолиятига раҳбарлик қилади. Бошқармага юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади.

4.5. Бошқармага юклатилган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши ҳамда меҳнат ва ижро интизомига риоя этилиши бўйича тўлиқ мажбурият Бошқарма бошлиғи зиммасига юклатилади;

4.6. Бошқарма бошлиғи ва ходимларининг вазифалари Уюшма раиси томонидан тасдиқланган Бошқарма ходимларининг лавозим Йўриқномаси билан белгиланади.

V. Бошқармани Уюшманинг таркибий бўлинмалари билан ўзаро муносабатлари

5.1. Бошқармани Уюшма таркибий бўлинмалари билан ўзаро муносабатлари ушбу Низом ва таркибий бўлинмаларнинг Низомлари билан белгиланади.

VI. Ушбу Низомнинг бажарилишини назорат қилиш

6.1. Ушбу Низомга риоя этилишини назорат қилиш Уюшма раҳбарияти томонидан амалга оширилади.

